

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри андижонликлар!
Пахта етиштириш борасида эришган улкан галабангиз муборак бўлсин! Андижоннинг 310 минг тонналик «оқ олтин» республикамиз хирмонига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди.

Маълумки, ўзбек пахтачилиги тарихида Андижон таърибаси янги даврни бошлаб берди. Жаҳон пахтачилигининг энг илгор ва замонавий усуллари мамлакатимизда биринчи марта ана шу мўътабар замида синаб кўрилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Навни саралаш, уручилишни такомиллаштириш, чигитни плёнка остига экиш юксак самара беришни сизлар амалда кўрсатдингизлар. Бугунги кунда Андижон технологияси юртимизнинг барча деҳқонларини янгиликка, изланишга, ташаббускорликка ундаб турибди. Сизлар деҳқончиликда яратган ўзига хос мактабингиз юртимиз пахтачилиги таърибларини бойитмоқда ва янги уфқларга қоралоқда.

Саховатли заминни эъозлаб, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, узқини кўзлаб иш юритганингиз учун нафақат пахтачиликда, балки деҳқончиликнинг бошқа со-

ҳаларида ҳам бутун мамлакатга намуна бўлиб келмоқдасиз. Бу янги таваққур самарасидир. Астойдил меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайдими. Шунинг учун ҳам Андижоннинг шаҳар ва қишлоқлари кўндан-кўнга обод бўлмоқда, турмуш янада юксалмоқда, кўзни қувонтирадиган ўзгаришлар халқнинг руҳини кўтармоқда.

Сизлар эришган муваффақиятнинг яна бир муҳим омили буюк аждодларимизга хос танлигингиз, иймони бутлигингиз, ориятни маҳкам тутганингиздир. Бундай одамлар ҳаётни ўзгартиришга, уни гуллаб-яшнашга қодирдирлар.

Азиз андижонликлар!
Сизларни қўлга киритган ютуқларингиз билан яна бир бор чин дилдан қўлайман. Барчангизга сўхат-саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман. Илоҳим, топганингиз яхши кунларга, тўйларга буюрсин! Оллоҳнинг ўзи барчангизни ўз паноҳида сақласин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.


ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — НЕМИС ТИЛИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ҳақиқатан ҳам, бу асарда кутарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки бошқа мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда мустақилликка эришган янги давлат — Ўзбеки-

стоннинг дунё ҳамжамиятида туган муносиб урни, маъна, улугъ вазибаларни амалга оширишга қара-тилган тараққиёт йули тараққиёт кафолатлари билан илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамия-тининг янги аср бусағасида дуч келаятган муҳим сиёсий, иجتимоий ва ик-тисодий муаммолари ечи-мига бағишланган ушбу китоб кўплаб хорижий тил-ларга таржима қилиниб, йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар ва мутахассислар томонидан муҳур урганлимоқда. Чун-ки бу китобдаги гоё ва ху-лосалар назариятчининг

бетараф кузатувлари эмас, балки янги типдаги сиёсий арбобнинг серқир-ра амалий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий таъри-балар маҳсули эканлиги билан ҳам айниқса қим-матлидир.

Германиянинг Дюс-сельдорф шаҳридаги маш-хур «Гибир Тонис» наш-риёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини немис тилида кўп нусхада нашр этди. Асарнинг немис тилида чоп этилиши Герма-ния жамоатчилигини Ўзе-бекистонда амалга ошири-лаётган ислохотлар, эр-кин, демократик ҳуқуқий



давлат барпо этиш йули-да қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан та-ништиришда муҳим аҳа-мият касб этади.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 21 октябрь, сешанба № 123 (22.207).


Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



ХАЛҚИМИЗ ЗАКОВАТИНИНГ БОҚИЙ ҲАЙКАЛЛАРИ



СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.



А. ТЎРАЕВ, Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Президент Ислом Каримов раҳнамоли-гида мустақил мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни, маданий меросимизни урганиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида иб-ратли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк бобоқалонларимиз Амир Темур, Улугбек, Бобур, Нақшбанд каби тарихимиз ос-монидagi ёрқин юлдузларнинг таваллуд тўйлари халқро миқёсда нишонлангани бунинг ёрқин далилидир. Шу кунларда нишонланаётган қадимий шаҳарларимиз, ота-боболаримиз ақл-заковатининг боқий ҳайкаллари — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги байрами ҳам ана шу эзгу ишлар-нинг мантқиқий давоми бўлиб, буюк тари-

химизни англашга, юртдошларимиз қалбида азиз ва гўзал Ватанимиз билан фахрланиш туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Zero, дунёдаги ҳеч бир халқнинг биздаги каби кўп тарихий шаҳарлари йўқ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейни ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқиши билан тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Қувончлиси шундаки, бу байрам дастлаб ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида бошланди. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот қарорига кўра, у дунё миқёсда нишонланмоқ-да. Бу ҳам истиқлол шарофати, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги юксак обрўидан далолатдир.

китлотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар, дин пешволари тантаналар бошланишини кут-моқда.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ки-риб келади. Йигилганлар дав-латимиз раҳбарини олқишлар билан кутиб олади. Байрам бошланишидан дарак берувчи мусиқа садолари ян-райди.

Президент Ислом Каримов табрик нутқи сузлайди. Йул-бошимиз байрам қатнашчи-ларини, улар сиймосида бар-ча ватандошларимизни кутлуг айём билан муборакбод эта-ди.

ЮНЕСКОнинг расмий ваки-ли Барри Лейн байрам қат-нашчиларига мазкур халқро ташкилот Бош директори Фе-дерико Майорнинг табригини етказди. У Бухоро заминнда-ги ҳар бир тош утмишдан суз-ловчи дурдона эканини, бу ердан таралувчи илм-маъри-фат нури осмонни еритиши-ни кўриб этди.

Ўзбекистон Давлат мадҳия-си янрайди. Театрлаштирил-

ган томоша бошланади. Бухоро ҳақидаги қўшиқ тарала-ди. Буюк салафларимиз Ба-ҳоуддин Нақшбанд, Амир Те-мур, Абу Али ибн Сино, Улуг-бек мўътабар шаҳарни кутлуг сана билан табриклаб, дуои фотиҳа қиладилар. Пойтахти-миз Тошкент, дунёнинг қадим-ий маданият марказлари — кўҳна Рим, Самарқанд, Вена, Мадрид, Хива санъаткор иж-росида Бухоро шодибнасига шерик буладилар. Саҳнада эртанги янада ёруғ кунлар тимсоли оқ лайлақлар пайдо бўлади. Минораи Калондан олов шалоласи — кут-баракка ёғилади.

...Бухоро узок тарихи даво-мида не кунларни боқдан ке-чирмади. Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Нақшбанд каби бу шижоатли замин фарзандла-ри шаҳар шухратини оламга ёйган бўлса, Файзулла Ху-жаев, Фитрат каби мустабид тузум қурбонлари нуруний шаҳар қалбида дардли армон бўлиб қолди. Шоирлар Хуршид Даврон ва Садриддин Салим Бухорий

сценарийси асосида таникли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган театрлашти-рилган томошада Бухоро тари-хининг нури ва тунд он-лари, буюк келажакка инти-лаётган бугун ҳақида бадиий лавҳалар орқали ҳикоя қили-нади.

Инсон доимо келажакка, ёруғ кунларга интилиб яшайди. Истиқлол нури бухо-роликлар қалбида ҳам узлик-ни англаш, бахтли келажакка ишон туйғуларини уйғотди. Дунё сайёҳлари нигоҳини уз-га тортиб келаятган шаҳар ул-кан маданият ва илм, маъри-фат ва маънавий марказга айланиб бормоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар, фикдорона меҳнат туфайли яратилаётган иқтисодий сало-ҳият, аввало, халқ фаровон-лигини оширишга, қолаверса, мана шундай хайрли тадбир-ларни ўтказишга хизмат қил-моқда. Томошада ифода этилганидек, Бухоро ҳам бу-тун Ўзбекистон каби буюк ке-лажак сари одимламоқда...

(Давоми 2-бетда).

КЎҲНА ШАҲАР ТЎЙИГА ТУҲФАЛАР

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарига ташриф буюрган мамла-катимиз Президенти Ис-лом Каримов 20 октябрь кунни Урганчда қуриб бит-казилган «Кока-Кола ичимлиги» кўшма корхонаси бориб қурди. Ко-ка-Кола компанияси ва-кили Гленн Симсон билан корхонанинг техник жиҳозланиши, истиқбол-и хусусида суҳбатлашди.

Корхона соатига 12 ми-нг донагача идишга қуйилган ичимлик суви, кока-кола, фанта, спрайт ичимлиги ишлаб чиқара-ди. Бу ерда 300 киши иш билан таъминланади. Ас-боб-ускуналар Германия, Франция, Испания фир-маларидан келтирилган.

Мухими, улар энг замо-навий технологияга асо-сланган.

... Давлатимиз раҳбари бошқарув тугмасини бо-сади. Цехларда ишлаб чиқариш жараёни бошла-нади.

Шу кунни Президент Ислом Каримов Урганч-Хива троллейбус йўнали-ши билан ҳам танишди. Йўловчилар узогини яқин қилаётган троллейбусни кўздан кечирди.

Тадбирларда респу-блика Бош вазирининг би-ринчи уринбосари И. Жу-рабеков, Бош вазир уринбосарлари М. Усмо-нов, К. Раҳимов, Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов қатнашди.

(ЎЗА).

ИЛМ-ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШИЛГАН БҮЮК ҲИССА

БУХОРО. 19 октябрь. Бу ерда Бухоро ва Хива ша-ҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган «Исоният-нинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йил-ликка» мавзуидаги халқро симпозиум иш бошлади. Уни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жу-раев бошқарди.

Республика Бош вазири уринбосари А. Азизкужаев симпозиум қатнашчиларини қадимий шаҳарларимиз юбилейи билан қизгин кутлаб, халқро анжуман иши-га муваффақият тилади.

Маросимда сузга чиққан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари, мазкур нуфузли тапшилотнинг расмий вакили Барри Лейн, Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов мустақиллик шарофати, юртимизда қарор топ-ган тинчлик ва барқарорлик, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан маънавиятни юксалтириш бора-сидаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис шундай илмий анжуман ўтказиш имконияти ту-гилганини таъкидладилар. Қолаверса, Абу Ҳафси Ка-бир, Имом ал-Бухорий, Абдулоҳлик Гиждулдин, Ба-ҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Нар-шахий каби дунёга машҳур улугъ сиймолар мана шу саховатли замида воёга этиб, илм-фан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссалари ила Бухорои шариф шухратини етти иқлимга таратдилар.

Симпозиумда АҚШ, Франция, Германия, Греция, Миср, Россия, Ҳиндистон каби дунёнинг элликдан ор-тиқ мамлакат ва бир қанча халқро ташкилотлар ва-киллари қатнашаётгани ҳам унинг юксак мавқеидан далолат бериб турибди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Фанлар ака-демияси вице-президенти А. Мухаммаджоннинг «Бухоро ва Хива шаҳарлари жаҳон урбанистик жараёни ти-зимида», Гарвард университети профессори Р. Фрайнинг «Манбаларда Бухоро шаҳри ва воқеасининг илк тарихи» мавзуларидаги маърузаларини тингладилар. Сўнг анжу-ман мажлислари шўьбаларга бўлинган ҳолда давом эт-ди.

Мазкур симпозиум доирасига кирувчи «Бухоро ва унинг жаҳон тарихида туган урни» мавзуидаги халқро конференцияда шаҳар тарихи, маданияти, унинг жа-ҳон цивилизацияси ва илмий таваққурига таъсири ҳа-қидаги маърузалар ўқилди.

ХИВА. 20 октябрь. Бу ерда симпозиум доирасидаги иккинчи анжуман — «Хива ва унинг жаҳон тарихидаги урни» мавзуидаги халқро конференция бўлиб ўтди.

Хоразм вилояти ҳокимининг уринбосари Т. Дусчо-нов конференция қатнашчиларини буюк сана билан табриклади.

Дарҳақиқат, исоният тарихида биринчи академия (Давоми 2-бетда).

ШАРИФ ШАҲАР ШУКУҲИ

Бухоро кутлуг туй шарофа-ти ила бутунлай узгача қурку тароват касб этди. Шаҳар дарвозаси — аэропорт замо-навий андозалар асосида таъмирланди. Куча ва хибон-лар гўзаллашди. Кўплаб ма-даний-маиший иншоотлар қу-рилди. Боғлар барпо этилди.

Айниқса, бетакор тарихий обидаларни тиклаш бораси-да мисли қурилмаган ишлар бажарилди. Масжиди Калон-ни таъмирлашда юзлаб сеҳр-ли санъат соҳиблари — меъмор ва муҳандислар, нақ-қошлар, уймакор усталар их-лос билан кечаю кундуз меҳ-нат қилди. Ана шу саъй-ҳара-катлар самараси уларок, бо-бо шаҳар дунёнинг турли бур-чақларидан келган меҳмон-ларни навқирон қиёфага кир-ган ҳолда кутиб олди.

19 октябрь. Пойи Калон майдони... Узок ва сеҳрли су-кут ҳукмрон. Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Мино-рай Калон деворларига урна-тилган ёриткичлар борлиқини нурафонан этган. Майдон ту-ридаги улкан саҳна қадим ша-ҳар тарихидан ҳикоя қилувчи китобни эслатади...

Байрамга ташриф буюрган вазирик, идора ва ташкилот-лар раҳбарлари, шаҳар жа-моатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипло-матик корпус ва халқро таш-

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳ-тарам ватандошлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрили меҳмон-лар!

Бугун Ўзбекистон ҳаёти-да буюк бир сана — шону шавкати етти оламин туг-ган, қадимий ва ҳамisha навқирон Бухорои шариф-нинг 2500 йиллик кутлуг тўйини нишонланмоқдамиз. Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тан-тана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқа-ли бутун халқимизни му-боракбод этишга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда қат-нашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва ва-килларига, хориждан кел-ган меҳмонларимизга, ах-

борот воситалари вакил-ларига сизнинг номингиз-дан чуқур ҳурмат ва эҳти-ромимизни билдирмоқчи-ман.

Бухоро ўлкасининг ми-нг йиллар давомида жа-ҳон таваққури, маънавий, маданий ва диний қад-риятлари тараққиётига ул-кан ҳисса қўшиб келаят-ган, шарифлик номига са-зovor бўлган муқаддас жойларидан биридир.

Бухоро «Куббатул Ис-лом», яъни «Ислом ди-нининг гўмбаси» ва буюк уламолар сўзи билан ай-тганда, «Қувайти дини Ислом» деб тан олинши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақаси-да мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътироф-дир.

Бухоро тарихига назар

ташлар эканмиз, миллати-мизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўраемиз.

Бухоронинг ҳар бир қар-ири, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк икти-дори ва яратувчилик са-лоҳиятидан, юксак тарақ-қиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

Х асрининг машҳур тари-хчиси, асли бухоролик Абу Бакр Мухаммад Наршахий нақл қилиши-ча, Бухорога туркий қаби-лалар асос солган бўлиб, бу ерда «сув ва дарахт-лар, ов қилинадиган жо-ниворлар кўп бўлгани-дан кишиларга хуш ке-либ, шу ерга жойлаш-ганлар». Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қахра-

монларимиздан бўлиши алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.

Бу табаррук тупроққа миллоддан олдинги VI аср-да эронлик Кайхусрав, миллоддан аввалги IV аср-да юнонлик Искандар Зулқарнайн, миллодги VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг та-жовузулари не-не кулфат-лар келтирмади.

Бу азим шаҳар, Карма-на, Бойкент, Вобкент, Шифоркон, Ромитан, Ғиждувон каби қадимги кентларни ўз бағрига ол-ган Бухоро воҳасида яша-ган эрксевар аждодлари-миз ҳар қандай истибод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қахрамонона курашиб кел-

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Хонимлар ва жаноблар!
Азиз ватандошлар, муҳ-тарам Хоразм ва Хива ах-ли!

Қадрили меҳмонлар!
Шу кунларда юртимиз-да жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқ-да. Кеча Зарафшон воҳа-сида кўҳна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонла-ган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимиз-нинг яна бир фаҳри ва гу-рури бўлиш, бутун олам-га машҳур гўзал Хиваимиз-нинг 2500 йиллик тўйини шоду хуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

Сизларнинг барчангиз-ни, авваламбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бу-гун Ўзбекистон халқини, узок-яқиндан келган қадр-ли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан сами-

мий муборакбод этишга ихжозат бергайсизлар

Имкониятдан фойдала-ниб, Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва ва-килларига, ахборот воси-талари вакилларига ўзим-нинг алоҳида миннатдор-лигини билдираман.

Хива — гўзал диёримиз-нинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий аъёнларимиз-нинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга ке-либ-кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юр-тимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-бобла-римизнинг даҳосидан,

маънавий мулкимизнинг буюк иктидори ва қудра-тидан далолатдир.

Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тари-хчи Помпей Трог тур-кий халқларнинг энг қад-димги аждодлари ҳақида шундай деб ёзган: «Бак-трияликлар, сўғдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийли-ги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмоний ҳаддан таш-қари кучлидир. Узлари-га тегишли бирор нар-сани кўздан чиқаришни истамайдилар. Фақат галабага интиладилар».

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйил-

ган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тари-хи билан бир қаторда ту-ради. Хоразм тарихи ўз-бек давлатчилигининг асо-си, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғи-дир.

Азиз юртдошларим!
Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихдан сўз кетар экан, биринчи-лар қаторида буюк Хора-зм ўғлонларидан Наҳ-миддин Кубро, Жало-лиддин Манғуберди ка-би миллий қахрамонлари-мизнинг номларини зикр этаемиз.

Наҳмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида (Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дилар. Ёзув босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган **Широк, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир Хотун (Тумарис), Малика Қабач Хотун** каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тинимлидир.

Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий **хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашналийлар, сомонийлар, қораконийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, мангитлар** сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухоро азиямда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бухоро, айниқса, Темурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўтабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.

1417 йили Бухорода **Мирзо Улугбек** қурдирган мадраса-дарвозасига **«Илм оломқақ интилиш ҳар бир мусулман ва мусулма учун қарзу фарзидир»** деган сузлар ўйиб ёзилганда жуда катта маъно мўжассам. Худди шунингдек, 1433 йили Улугбек томонидан Ғижувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бугун ҳам заман узра савлат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва хунармандлар тимлари, шиғохонлар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошдан кечирган буюқ тарихнинг гувоҳларидир.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. **Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Қуллол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳўжаев** ва бошқа шу каби буюқ зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан бундан ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюқ аждодларимиз мўтабар номларини, умуминсоний маънавиятини ва умуман башариат ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухоро ҳисса беэзаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларини, масжиду макбараларини, мадрасаларини, Ислому динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюқ аждодлар номи абадул-абад сақлайди.

Мухтарам дўстлар! Азиз меҳмонлар!

Бу йил Бухоро ва Хива шаҳарлари 2500 йиллик муборак саналарининг Парижда кенг нишонланиши, халқро анжуман ва кўргазмалар ўтказилиши, бугунги байрам тантаналарида кўлаб хорижлик азиз меҳмонларимиз — олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва дин пешволарининг иштироки эътиборининг илмий, меъморий ва маданий меросига халқро жамоатчилигининг тобора ошиб бораётган катта қизиқшидан далолат беради.

Тарихини билмаганнинг келажиги йўқ дейдилар. Бухоро-

нинг бугунги кутлуг айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюқ аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир.

Элим деб, юртим деб, келажигини ўйлаб заҳмат чеккан, ватанимиз озодлиги йўлида қуррашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзини обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бухоронинг 2500 йиллиги шу юртда яшаётган ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни кўлга маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачигидек авайлаб-асрашга, юрак-юрдан инфтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбига эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.

Бу тантаналар биз бугун муқтадликка эришган ягона бир халқ сифатида буюқ келажак сари интилаётганимиз шунчаки орау-хава бўлмаи, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қадриятдан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди.

Бу масаланинг яна бир томони борки, уни айтиб ўтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Биз бугун истиқлол йўлида, озод ва обод Ватанимизни қуриш йўлида дадил қадам қўётган дамларда, бизнинг шу интилишларимизни кўролмайдиган, йўлимизни тўсиб оломқи бўлган ёзув кучлар тарихимизни чалғитиб қўриштишга, ёлгон гапларни кўтаришга, шу саховатли ерда яшаётган миллат ва эллатлар орасига адоват уриғини сепишга ҳаракат қилаётганларнинг тўғри баҳосини бермоғимиз даркор. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Бу шундай ҳақиқатки, баъзи ашаддий миллатчилик йўлига ўтиб олган, ўзгаларни қўрқолмайдиган, ҳасад билан яшайдиганларнинг кучини қирқади, бошқаларнинг тинчлигини бузиш ниятида осовишта тараққиёт йўлига гўлбадиганларнинг томирини қирқади. Фарзандларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб беради. Ҳақиқий тарих **«Куч—адолатда»** ҳикмати-нинг нақадар тўғрилигини исботлайди.

Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шуқули ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда оғир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди. Кўлаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичиде қолди. Бу муқаддас тупроқда бегуноқ қонлар тўқилди, муҳташам обиде, минора ва азиз-авлиёларнинг қабрлари оёқ ости қилинди. Аммо бухороликлар ўз она шаҳарларини мардонавор ҳимоя этидилар ва неча бор қайта қурдилар, тикладилар.

Сўнгги мустахлама замонида Бухорога бўлган муносабат ҳаммаимизга маълум. Инқилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар обидалари яна бир бор вайрона этилди, унинг асл фарзандлари қатагон қилинди. Халқ ва унинг моддий-маънавий меросига қўрсатилган бундай муно-

сабат собиқ шўролар тузумининг қанчалик гайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

Мухтарам жамоа! Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти буй-бастини, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгига тўла-тўқис намоён эта олади. Бугун бу қадим шаҳар тўйи дунё микёсида кенг нишонланаётган экан, бу ҳам истиқлолимиз шарофатиридир.

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий сааноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шуқуқ топмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътифод этилди. Шаҳар ва вилоятда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бухоронинг тенгсиз зардушти либослари, олтинга тенг пилласи, қорақўл терилари жаҳон бозорига муносиб баҳосини оломқода.

Шарқ меъморчилик санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар муқтадлик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу табарқур заминда турли миллату динга мансуб кишилар — тожиқлар, туркманлар, руслар, яҳудийлар, қорзқлар, қорейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашмоқдалар.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, гурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар Бухоро аҳлига халқимиз номидан, шахсан ўз номидан миннатдорлик изҳор этишини ва уларга чуқур таъзим қилишини ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этидилар.

Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, муқтадлик иморати пойдеворига биринчи гишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Янги ўсиб келаятган авлодларимиз ўз тарихини, юртининг, азиз-авлиёларини, осори атиқаларини бошига кўтариб, шу тариқа миллий туйғу, миллий гурур, миллий инфтихор ҳиссиётини кўкка кўтариб, умумбашариий қадриятлар ҳазинасига ўзларнинг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Азиз дўстларим, ватандошларим! Сизларни яна бир қарра Бухорои шарифининг кутлуг тўйи билан чин кўнгилдан табриклайман!

Барчамизга аждодларимизга муносиб, яна минг йилларга давомдор буюқ ишлар қилиш бахти насиб этсин!

Яратганинг ўзи бизнинг барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

озодлик байроғини маҳкам тутиб жон тақдим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вақили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг гарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Фаннинг олдида бош эгмади, тиз чўкмади, ватан дея ҳалок бўлди.

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртиларида бугунги кунда замонавий сааноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шуқуқ топмоқда.

Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини **Христофор Колумбдан** 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюқ аждодимиз **Абу Райхон Беруний** мана шу муқаддас замонда туғилган.

Мақкаи Мукаррама Амири Ибн Ваҳҳос Х асрада яшаб ўтган яна бир буюқ ватандошимиз — араб тилининг мукамал грамматикасини яратган инсонни улуғлаб: **«Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоғига фидо бўлса арзийди»**.

Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюқ Маҳмуд аз-Замаҳшарийдек алломани дунёга келтирди», деб тасанно айтган эди.

Бундан минг йил муқаддам одамзот тарихидаги илк академиклардан бўлмиш — **Мавмун академияси** Хоразм заминиде ташкил топгани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди, албатта. Ўйлайманки, биз Мавмун академиясини Хоразм заминиде қайтадан ташкил этмас, қўл улуғ иш бўлар эди.

Хоразм ва Хива заминиде яшаган **Пахлаван Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳовуддин Валад ва унинг буюқ фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиудин Саққоний, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши** каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номи биз — бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Биз бугун Хиванинг 2500 йиллик тарихига назар солар эканмиз, тарихнинг энг сурунли даврларида ҳам аждодларимиз озодликка, маърифатга, яратувчиликка интилиб яшаганларига гувоҳ бўламиз. Бугун салобат билан кўкка буй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, ноқир обидалар ва осори атиқалар шундан далолатдир.

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюқ ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазиёсини бажарган, балки узок асрлар давомида турли миллат ва мазаҳбаларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, — турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадайд масканини яратгани ва асрлар мобайнида эъозлаб сақлагани учун гурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашариий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан бундан ҳам хизмат қилади.

Ичанқалба ва Дишанқалба мажмуи, хусусан, Шерғоҳлик, Мухаммад Раҳимхон, Исфандиёрхон мадрасалари халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаятган юксак салоҳияти, мафси маҳорати, миллий маданиятимизга қўйилган бебаҳо ёдгорликдир.

Азиз ватандошлар! Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатингизни қаратишни истардим. Мустамлакчилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бугун жаҳонга номи кетган алломалари ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб таҳқир этишга уриндилар.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чўққиларини забт этган, мана шу зиф ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узок-узок юртиларида ҳам ўз мўтабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайд деб ўйлайман.

Минг бора шукроналар бўлсинки, адолат яна қарор топди. Буюқ аждодларимизнинг номи яна тикланди. Ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлгани ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтирولмайди.

Шу маънода, хоразмшоҳлардан **Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Мухаммад, Хива хонларидан Абулқосий Баҳодирхон, Мухаммад Раҳимхон (Феруз)** ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтмишимиз жоиздир.

Мухтарам дўстлар! Бугунги тантаналар — қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйи нишонлашимиз маънавий ислохотларимизнинг узвий бир қисмидир.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбига ўзигини англаш, бебаҳо меросимизга ворислик, халқ яратувчилик ҳақосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига ишонаман. Хиванинг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига, миллий қадриятларига сармимий эъзат-эҳтиромни янада кучайтирмоғи мукаррар.

Биз бугун ҳар бир интилиш — ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадимимизда аждодларимизнинг уйғок ва мададкор руҳини сезиб турибмиз. Шу нуқтаи назардан, Хиванинг тўйи фақатгина тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклаш, маданиятимизни бойитиш йўлида хизмат қилиб қолмай, балки бевосита олий мақсадимиз — келажиги буюқ давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий аъёнларимизга суянган дастурлар асосида тараққиёт топган демократик давлатлар

қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилажак.

Мен шуни алоҳида гурур ва мамнуният билан айтаманки, асрий ва бетакрор обидалар, минг йиллик ананалар билан бир қаторда, Хоразмнинг яна бир улуг ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаятган оқ кўнгли, бағри кенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмини Хоразм қилиб, унинг шўхратиға шўхрат қўшиб, доврғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, сабот-матонатидир.

Қадимдан деҳқончилик маданияти гуриқар ривожланган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари салоҳияти тўғрисида алоҳида тўхташни истардим.

Ўзингиз ўйланг, миллоддан аввалги VIII-VII асрлардаёқ узунлиги 60-70 километр, эни 35-40 метр бўлган каналлардан иборат мураккаб ва улкан сувий суғориш тизимларини яратиб, деҳқончилик қилган кўҳна Хоразм аҳли заковати ва матонатига қойил қолмай бўладики.

Куш уса қаноти қуддиган Қорақум саҳроси билан йил ўн икки ой мардона олишиб, ҳар бир томчи сувни гаҳвардек авайлаб мўл ҳосил етиштириш ҳар қандай деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга фақатгина деҳқончилик илмининг пири бўлиб кетган хоразмлик миришкорларгина қодир.

Агар мендан ҳақиқий қаҳромонлик намунаси нима, деб сурашса, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим.

Мана бу йил ҳам Хоразм аҳли пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб оқ этди. Бу ғалаба ҳақиқатан ҳам ватанимиз нишон бўлиши гўзал Хиванинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз — азиз Хоразм деҳқонларини, барча Хоразм аҳлини мана шу тўёна билан яна бир қарра муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Буюқ аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табииатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли муқтадлик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди: вилоятда халқимизнинг атоқли намояндалари шарафига 20 дан зиёд болар бунёд этилди. **Навобий боғи, Қодирий боғи** каби жозибадор гўшлар ижод ва яратувчилик туйғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам хоразмликлар шаддам қадамлар қўймоқда. Мамлакатимизда энг йирик қанд заводи қурилиши жадал сурыятлар билан олиб борилмоқда, қанчадан-қанча янги корхоналар ишга тушмоқда. Урганч аэропорти қайта турғиланди. Урганчдан то Хивага қадар 34 километрли троллейбус йўли ишга тушди.

Хива шаҳри таъмирланиб, янги чироф ва сайқал касб этди. Бу хайрли ишлари учун Хоразмнинг саховатли курувчи ва меъморларига, барча меҳнаткашларига самимий та-

шаккур билдириб, уларга шижоат-салолатлик, эзгу ишларига омад тиламоқчиман!

Мухтарам дўстлар! Азиз меҳмонлар! Биз, Ўзбекистон аҳли, шуни яхши англаймизки, **дунёдаги барча халқларнинг келажиги башариат ўзининг бутун тарихи давомида яратган буюқ умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, авайлаб-асраш ва янада ривожлантиришга боғлиқдир.**

Янги минг йилликка қадам қўяр экан, ўлуг маданий ва маънавий ананаларнинг вориси бўлмиш бизнинг халқимиз ўз истиқболини дунё ҳамжамиятига кириш, бутун сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш билан чамбарчас боғланган ҳолда кўради.

Бугун ўтказилаётган тантаналар ҳам, бу тантаналарда жаҳоннинг турли миттақаларидан келган буюқ олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари арбоблари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО раҳбариятидан ваколатли меҳмонлар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол далолати ва исботи деб биламан.

Хивадаги мангуликка қаддор обидалар ўзбек халқини насл-насаби қадимий ва мўтабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Биз бундан гурурланиш билан бир қаторда, зиммамизда чуқур маънавий масъулият юкнини ҳам хис этмоғимиз даркор.

Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан севиши, асраб-авайлаш, келажак авлодларга янада гўзал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир.

Шундай муқаддас ва мўтабар дийрда туғилишинг ўзи катта бахт. Комил ишонч билан айта оламаники, бизнинг озодлик, ҳурриятимиз қудрати билан бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам ҳадемай ўз тараққиётининг янги юксак даврига кирарди.

Бу табарқур заминдан етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, берунийлар, замаҳшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни хайратга солади. Ўзларига қанот берган Хоразм дийри шон-шўхратиға муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларини, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ислохотларимиз, буюқ тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз ана шу ишончга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз ватандошларим, дўстларим! Хиванинг кутлуг тўйи билан ҳар бирингизни яна бир қарра чин дилдан кутлаб, барчангизга энг эзгу тилақларини изҳор этаман!

Она Ўзбекистонимиз, муқаддас Хоразм замини гуллаб-яшнасин, файзу баракага тўлсин! Утмиш шарафли, буғуни саодатли, келажиги абадий шаҳар — миллатимизнинг фахри инфтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё турғунча турсин!

Халқимизнинг, миллатимизнинг шон-шўхрати янада зиёда бўлсин! Бахт, омад — ёрчимиз, Оллоҳ — мададкоримиз бўлсин!

ХАЛҚИМИЗ ЗАКОВАТИНИНГ БОҚИЙ ҲАЙКАЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

БОЙ ТАРИХИМИЗ ДУРДОНАСИ

Хива — қадимий маданият уюқларидан биридир. Шаҳарда асрлар давомида барпо этилган меъморий ёдгорликлар, улардаги ранг ва шаклларнинг уйғун ва мутаносиблиги ҳам бу ерда яшаган аждодларимизнинг теран ақлу заковатидан гувоҳлик беради. Лекин замонлар юртимиз каби Хивани ҳам доимо сийлайвермади. Шаҳар неча минг йиллик тарихида кўлаб босқин ва вайронагарчиликларга дучор бўлди.

Муқтадлик шарофати билан ноёб ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ишларига жиддий эътибор

берила бошлади. Айниқса, Хиванинг 2500 йиллиги нишонланиши, таъбир жоиз бўлса, шаҳарга иккинчи умр бағишлади. Юбилей муносабати билан кўлаб меъморий обидалар таъмирланди. Айниқса, уларга сизот сувлар хавф солишига барҳам берилди. Янги иншоотлар қурилди. Урганч аэропорти халқро йўналишларда парвоз қиладиган улкан самолётларни ҳам қабул қилиш ва кузатиш имконига эга бўлди. Урганч ва Хива уртасида троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

...20 октябрь оқшоми. Очиқ осмон остидаги музей — Хиванинг кутлуг байрамига келган меҳмонлар — вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, дипломатик корпус ва халқро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакиллари

байрамона безатилган арк майдонидан юл оладилар. Йўлганлар нгоҳида шаҳар сехру синоатидан — ҳайрат, қалбиде — ҳаяжон: гуё улар шу онларда олис мазий бағрида тургандек.

Майдонга давлатимиз раҳбари Ислому Каримов кириб келди. Байрам қатнашчилари Президентини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Маросимда Президент Ислому Кар

ЖУРНАЛИСТЛАР НОРИ

«У жуда ўрнига тушган одам!» деган сўзларни кўп эшитамиз. Истеъдод сузи одатда машҳур ёзувчи, санъаткор, кино юлдузлари ва бошқаларга нисбатан айтади. Аммо мен Норбобо Шакарров билан мана, салкам йигирма йил мобайнида мулоқотда бўлиб, «Истеъдодли журналист, ўрнига тушган одам» деган сўзларнинг кўп шохиди

булганман. Вожаби! Журналистнинг ҳам истеъдодлиси, ўрнига тушган-тушмагани буладими? Аслида журналист дегани ўзи истеъдодли дегани эмасми, деб ажабланишингиз мумкин. Халқимизда «Кўли гул уста», «Уз касбининг устаси», «Олтин кўли» каби таърифлар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Журналистик касби нега бу таърифга бегона саналиши керак? Бир донишманднинг

китоби қўлимга тушдию бу саволимга жавоб топдим. У шундай деган экан: умуман ҳаётда истеъдодсиз, яъни талантсиз кишилар бўлмайди. Ҳамма инсонлар ҳам қобилиятли бўлишади. Фақат улар орасидаги фарқ шуки, баъзилар ўз истеъдодларини намойиш эта оладиган соҳани танламайдилар. Ҳаётда шундай одамларни учратиш мумкинки, ўз касбидан кўпинча нолиб юради, бу



иш оғирлик қилаётганини ёки бу соҳада ўзини ёрқин намойиш қила олмаётганидан афсусланади. Биз бугун муборак ярим асрлик йўлни босиб ўтган ҳамкасбимиз ҳақида баралла айта оламизки, ҳали бирон

марта ўз ишларидан нолиган эмас. «Қўл учидан ишлаш» унга етти ёт бегона! Умри бино бўлибдики, виждонан, ҳалол, эл-юрт учун ёниб ишлашни одат қилиб олган, қийин жойларга отади ўзини! Ютукдан бошини кутарган эмас, мушкул чоғларда боши эгилмаган. «Менга дусларинг кимлигини айтгин, сенга кимлигингни айтиб бераман», деган яхши нақл бор. Норбобо ўзи нор журналист бўлгани учун ҳам журналистлар норлари билан кўп мулоқотда бўлади. У ишлаган, ишлаётган

ҚУТЛОВ

қайси газета, даргоҳ бўлмасин, шу фазилатларини ҳамкасблари ҳам тан олишади, фахрланишади. У ишлаётган соҳасида ҳаммиша ташаббускорлик, янгилликка ўчлик ҳукмрон. Изланади, янгилик учун куйиб-пишади. Норбобонинг бу ажиб хислати «Ўзбекистон овози»нинг ҳозирги палласида муқтадиллигимизни иш билан мустаҳкамлаш ишида айнақса, асқотади. Ҳамид ИКРОМОВ.

ЎЗБЕК ФОТОЖУРНАЛИСТИ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Ушбу сурат муаллифи Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (УзА) фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири Абдувоҳид Тўраев номи кўпчилик газетхонларга яхши таниш. ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч



Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БУПИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қўmqўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИПМИЗ:
700000,
ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КУЧАСИ, 32-УП.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Навбатчи муҳаррир
А. РУЗИЕВ,
навбатчи
М. ҚИЕМОВ.

Рўйхатдан Утиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А-2 форматда, 21 619 нускада босилади

Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш вақти — 03.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Vatanni sevmak iymondandur!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 21 oktabr, seshanba № 123 (22.207).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Илк ўрта асрларда Шарқ мамлакатларидаги энг буюк алломалардан бири — астроном, чуқур билимли географ олим, математик, топономист ва файласуф Аҳмад ал-Фарғонийдир. Унинг тулик исми Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қасир Ал-Фарғоний бўлиб, тутилган йили ва манзили ҳақида ҳозирга қадар бирон бир манба маълумот бермайди. Фақатгина тахминий маълумотларга қара, Аҳмад Ал-Фарғоний 784 йилдан 789 йилгача бўлган вақт ораллигида Фарғонада дунёга келган. Йигирма ёшларига қадар, Фарғонада уша даврдаги маданий марказлардан бири Кубо (Қува) шаҳрида яшайди ва илм урган. Балоғатга етгач, илмий ишларни давом эттириш учун Марвага йўл олади. Аҳмад ал-Фарғоний IX асрнинг бошларида Марвага, Хуросон ноиб вазирасини бажарётган ал-Маъмун саройига чақириб олинади. Аҳмад Фарғоний 812 йилдан 819 йилгача Марвада (ҳозирги Мари) яшаб ижод қилади. X асрда яшаб ўтган Ан-Надимнинг ва XII — XIII асрларда яшаб ўтган Кифларнинг келтирган маълумотларида ал-Фарғоний ал-Маъмуннинг Хуросондаги энг етук олимларидан бўлган, дейилади. (Бу ерда Маъмуннинг Марв шаҳрида йиғилган узига хос академияси назарда тутилмоқда). Сиёсий ҳаётнинг узғариб бориши билан Абдуллоҳ ибн Хорун ал-Маъмун Боғдогда ўтгач, унинг саройида йиғилган олимлар ҳам Боғдогда кўчиб ўтади. Шулар қаторида Аҳмад ал-Фарғоний ҳам яшаш жойини узгартира-

ди. Халифа ал-Маъмуннинг Боғдогда кўчиб ўтган йили 819 йилга туғри келади десак, бу вақтга келиб, Аҳмад ал-Фарғоний 30-35 ёшлар атрофида бўлган эди. Халифа Маъмун Боғдогда ўзи билан кўчиб ўтган олимларга отаси бунёд этиб кетган «Ҳикматлар уйи» (Байтул Ҳикмат)ни топшириб қўяди. «Ҳикматлар уйи»да Урта Осиёдан Маъмун билан бориб қол-

Мозийдан садолар

Дамашқ шаҳридан унча узоқ бўлмаган «Касиюн» тоғида иккита расадхона қурилиб, «Ҳикматлар уйи»даги олимлар бу ерда доимий кузатув ишларини олиб борар эдилар. Бу расадхоналарнинг қурилишида ва илмий иш-

ишлари «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақидаги китоб», ҳамда «Астрономия элементлари» номи билан бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Фарғонийнинг бу китобини кременалик Герардо XII асрдаёқ лотин тилига ўғириб, бутун Европага айган. XIII асрга ўтиб, мазкур китоб Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилина бошланди.

чалар, чизгилар ва белгилардан иборат қўлёзмалар сақланиб қолган. Демак, Колумб ҳам Аҳмад ал-Фарғонийнинг асарларидан кенг фойдаланиб, ўз савҳатларини амалга оширган. Фарғоний нафақат халифа Маъмун даврида, балки, ундан кейинги халифалар даврида ҳам Боғдод олимларининг энг нуфузлиларидан бўлган. Хусусан, Халифа Мутаваккил даврида Аҳмад ал-Фарғоний Жафария шаҳрига борувчи канал қурилишида энг етакчи лойиҳачи сифатида халифанинг эътиборини қозongan эди. Бу билан Фарғоний ер тузилишини, сувни қайси тарафга туғри оқитишни ва қай тарзда канал қурилиши тезроқ тугалланиши мумкинлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиб, яна бир қарра халифаликдаги энг билимли олимлардан эканлигини исботлаб берди. Умрининг охирида Аҳмад ал-Фарғоний Мисрга кўчиб ўтиб, Нил дарёсининг ўртасида жойлашган Равдо оролида дарёнинг сув даражасини белгиловчи «Нилометр» асбобини қурди. Бу асбоб бир бири билан боғлиқ бўлган идишлар асосида Нил дарёсининг кўтарилиш даражасини аниқ ўлчаб берган. Мазкур Нилометр асбоби ҳозирги кунларга қадар сақланиб қолган ва туристлар учун томоша объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳмад ал-Фарғоний 861 йили Қоҳирада вафот этган ва уша ерда дафн этилган.

Г. П. ИВАНОВ,
Н. АБДУЛАХАТОВ,
Б. ҚОШИМОВ,
Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи илмий ходимлари.

АЛЬФРАГАНУС — АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ

Данте ўз ижодида мадҳ этган, Христофор Колумб ўқиб ўрганган аллома Альфраганус фарғоналик ал-Фарғоний эди

жумладан, ал-Фарғоний ҳам самарали фаолият курсатган. Боғдогда яратилган қўлай имкониятлар туфайли олим фарб ва шарқ мамлакатларининг илмий меросини урганиш имкониятига эга бўлган ва керакли манбаларни — ҳинд, юнон, сурия, пахлавий, санскрит ва бошқа кўплаб тилларда битилган асарларни араб, форс ва бошқа тилларга ўғирди. Халифа Маъмуннинг топширигига қара, «Ҳикматлар уйи»да 840 йили қойинот ва ердаги манзилларнинг батафсил харитаси тузиб чиқилди. Мазкур ишларнинг деярли ҳаммасида Аҳмад ал-Фарғоний фаол иштирок этиб, қадимги дунё фалакшунослиги ва бошқа билимларни чуқур ўрганди. Айрим маълумотларга қара, Боғдод яқинидаги «Шамосия» деб аталган тепаликда ва

ларни олиб боришда Аҳмад ал-Фарғоний раҳбарлик қилиб турган. Ал-Фарғоний раҳбарлигида тузилган коинот ва ердаги манзиллар харитаси «Зиж ал-Мамун» номи билан тарих саҳифларидан жой олган. Расадхоналарда қадимги фалакшуносларнинг илмий ишлари урганилиб, улар тузган, жумладан, Клавдий Птоломейнинг (мил. 90—168 й.й.) «Синтаксис Магеста» асари чуқур урганилиб, қайта қуриб чиқилган. Ал-Фарғоний «Птоломейнинг «Жадвалида» анчагина ноаниқликлар, чалқашликлар, хатоликлар борлигини аниқлаб қиди. Шунингдек, у биринчи марта араб тилида Птоломей системаси бўйича ёзилган «астрономия»ни яратди ва унинг «география» қисмини кўпгина топоним ва этнонимлар билан бойитди. Ал-Фарғонийнинг мазкур

Бу асардан қарийб XVI асрга қадар асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилган. Голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус 1669 йилда Амстердамда мазкур китобни араб ва лотин тилларида нашр қилдириб, ал-Фарғоний (европача Альфраганус) номини бутун дунёга ёйди. Ҳатто италян адиби Дантенинг асарларида ҳам улуг Альфраганус номи мадҳ этилган. 1464 йилда Падуя шаҳрида Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мерослари ҳақида докладлар ўқилган. Умуман олганда, Альфрагануснинг номи шарқ мамлакатларидан қара Габр—Европа мамлакатларида кўпроқ шўҳрат қозongan.

Ҳатто, Америка қитъасини очган Христофор Колумбининг кутубхонасида ал-Фарғонийнинг асарларидан олинган айрим пар-



океани ҳавзаси мамлакатлари маданий маркази (АСС) ташкилоти томонидан шу йил 9-11 сентябрь кунлари Токио шаҳрида утказилган Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари йигирманчи фото танловида А. Тўраев туширган ушбу сурат марказнинг юксак ўрин ва пул мукофотига сазовор бўлди.
«Анъанавий санъат ва халқлар» мавзусидаги мазкур танловга ЮНЕСКОга аъзо бўлган 27 мамлакатдан 6000 га яқин сурат тавсия этилган эди.
Танловда голиб чиққан суратлардан иборат фотокурғазма Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатларида намойиш этилади.
Таъкидлаш жоизки, бундай халқаро танловда ўзбек фотожурналисти илк бор бу каби нуфузли уринни эгаллади.

(ЎЗА).

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ	Тел.: 45 13 57
САМАРҚАНД	Тел.: 22 57 69
БУХОРО	Тел.: 22 89 98
АНДИЖОН	Тел.: 26 52 94
НАМАНГАН	Тел.: 6 42 61
МАРҒИЛОН	Тел.: 37 19 96
УРҒАНЧ	Тел.: 556 75; 651 43

Таҷрибали дистрибьюторлар таклиф этилади

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

ШАКАР

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТОННАСИГА ҚАРАБ КАМИДА 80 000 СЎМДАН СОТИЛАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Лохутий кўчаси - 1
Тел.: 56-84-47, 136-73-44, 56-37-23, 136-21-46.

Сайёат музейи, Амир ТЕМУР хайёти, Трамвай йўли, 9-қаватли уй, Болалар дунёси Лохутий кўчаси, Автомобиль йўллари институтини, Маворуйнаҳар кўчаси, Тақвондо яштини, Оқ дивор үсүн, Федорович номидаги клиника, Жуковский кўчаси, вокзалдан